2006 г. 1-74 1-VI не получ. № 28, 31 нет.

**«Инсон ва унинг манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ёрдамга муҳтож қатламларга доимий эътибор ва кўмак бериш, жамиятимизда ўзаро ҳамжиҳатлик, мурувват ва бағрикенглик муҳитини янада мустаҳкамлаш, аҳолимиз учун муносиб турмуш шароитини яратиш, эл-юрт фаровонлигини ошириш масалалари янги йилда ҳам биз учун долзарб ва устувор вазифа бўлиб қолаверади».**

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

# O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

• 2006-yil • 1-yanvar • Yakshanba • 1 (27.493) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

## ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ

Азиз ватандошлар!

Муҳтарам отахон ва онахонлар, опа-сингиллар, дўстларим, биродарларим!

Мана шу файзли ва шукуҳли дақиқаларда барчангизни янги — 2006 йил билан қизғин муборакбод этаман ва сизларга қалбимдаги эзгу тилакларимни, самимий меҳр ва ҳурматимни билдиришдан бахтиёрман.

Янги йил арафасида, табиийки, барчамиз якунига етиб бораётган 2005 йилнинг ўзимиз ва оиламиз, халқимиз ва мамлакатимиз ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти, моҳиятини беихтиёр хаёлимиздан ўтказамиз.

Ҳеч шубҳасиз, ўтиб бораётган йил эл-юртимиз ҳаётида чуқур из қолдираётган йил бўлиб қолиши муқаррар.

Ўтган вақт мобайнида эзгу мақсадларимиз сари — юртимизда барқарорликни сақлаш, ҳаётимизни янгилаш, йўлимизда тўсиқ бўлиб турган асоратлардан воз кечиш, демократик давлат, очиқ фуқаролик жамиятини барпо этиш, эркин ва барчамизга тенг имкониятлар яратиб бераётган иқтисодиётимизни ривожлантириш, муқаддас қадриятларимизга мос маънавиятимизни юксалтириш йўлида янги қадамлар қўйдик.

Мамлакатимиз тараққиётининг мезони бўлмиш ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, юртдошларимизнинг мулкка эгалик ҳиссиётини кучайтириш, тадбиркорлик ва ишбилармонлик, бизнес ва фермерлик ҳаракатига равон йўллар, кенг имтиёзлар очиб бериш, тўпланиб қолган ижтимоий муаммоларни ечиш, аҳоли турар жойларини обод этиш ва коммунал хизматни тартибга солиш каби масалаларда амалга ошираётган саъй-ҳаракатларимиз ўз самарасини бермоқда.

Бунинг тасдиғини мамлакатимиз ривожида, авваламбор иқтисодиётимиз барча етакчи соҳа ва тармоқларининг барқарор ўсиш суръатларида, юртимизга кенг кўламда кириб келаётган инвестиция ва сармояларда, замон талабига жавоб берадиган янги корхона ва ижтимоий иншоотлар, лицей ва коллежларда, бошқатдан қурилган ва таъмирланган мактаб ва шифохоналаримизда, улкан ободончилик ишларимизда — мухтасар қилиб айтганда, шаҳар ва қишлоқларимиз, бугунги ҳаётимизнинг қиёфаси кундан-кунга очилиб бораётганида кўриш қийин эмас.

Айниқса, ризқ-рўзимиз манбаи бўлган қишлоқ хўжалиги, пахтачилик ва ғаллачилик тармоқларида қўлга киритган юксак марраларимиз, албатта, барчамизни қувонтирмасдан қолдирмайди.

Бу ҳаракатларимизнинг пировард натижаси аҳолимизнинг реал даромадлари жорий йилда қарийб 22 фоизга, ойлик иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақалар ўртача 40 фоиз ўсишида намоён бўлди.

Албатта, якунига етиб бораётган йил биз учун осон бўлмади. Кундалик ҳаётимизда, иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни ечишда кўпгина қийинчиликларга дуч келдик.

Ёвуз мақсадларни кўзда тутиб уюштирилган тажовузкор террорчи чиқишларни бартараф этишга, юртимизга қарши четдан ташкил қилинган ҳамла, бўҳтон ва туҳматларни бошимиздан кечиришга тўғри келди.

Яратганимизга минг шукроналар бўлсинким, ана шундай ўта таҳликали ва оғир вазиятда биз юртимизда тинчлик ва осойишталикни сақлашга, ғаразли хуруж ва офатларни енгишга эришдик.

Ўзбекистонни олиб бораётган мустақил сиёсатидан қайтариш, бизни кимгадир қарам қилиш ҳаракатлари беҳуда, пуч эканини намоён этдик.

Қадрли дўстлар!

Кириб келаётган янги йилда биз истиқлолимизнинг ўн беш йиллик қутлуғ тўйини нишонлаймиз, яъни шарқона ҳикматга кўра, айни навқиронлик, балоғат палласига қадам қўямиз.

Йиллар, замонлар ўтади, балки бугун содир бўлган кўп воқеа ва ҳодисалар хаёлимиздан кўтарилиши мумкин. Лекин яхшилик ва саховат, олижаноблик ва меҳр-оқибат ҳеч қачон унутилмайди.

Биз миллий қадриятимиз бўлган бундай пок туйғуларни доимо асраб-авайлашимиз, азиз фарзандларимизни ҳам шундай эзгу фазилатлар соҳиби этиб тарбиялашимиз керак.

Юртимизда «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» деб эълон қилинган 2006 йил айнан шу каби юксак интилиш ва ҳаракатларга ундайди. Ишонаманки, бундай даъват шу мўътабар заминда яшаётган, миллати, тили ва динидан қатъи назар, барча ватандошларимиз қалбидан чуқур жой топади.

Шу маънода, инсон ва унинг манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ёрдамга муҳтож қатламларга доимий эътибор ва кўмак бериш, жамиятимизда ўзаро ҳамжиҳатлик, мурувват ва бағрикенглик муҳитини янада мустаҳкамлаш, аҳолимиз учун муносиб турмуш шароитини яратиш, эл-юрт фаровонлигини ошириш масалалари янги йилда ҳам биз учун долзарб ва устувор вазифа бўлиб қолаверади.

2006 йил давлат бюджетида белгилаб қўйилганидек, ишчи ва хизматчиларнинг умумий иш ҳақи, шунингдек, стипендия, пенсия ва нафақалар миқдорини 33 фоизга ошириш кўзда тутилмоқда. Яқинда қабул қилинган қарорларни инобатга оладиган бўлсак, ўқитувчи ва шифокорларнинг ойлик иш ҳақи, индексацияни қўшиб ҳисоблаганда, ўртача 1,5 марта ортади.

Буларнинг барчаси халқимизнинг кундалик ҳаётида ўзининг ижобий таъсирини кўрсатиши, янги йилимизнинг янада мазмунли бўлишига ҳисса қўшиши шубҳасиз, албатта.

Табиийки, бундай юксак мақсадларга эришишнинг асосий шарти ва гарови — авваламбор ўз юртимиз ва хонадонларимизда тинчлик ва барқарорликни асраш, хавфсизликни таъминлаш билан боғлиқ эканини, доимо ҳушёр ва огоҳ бўлишимиз зарурлигини ён-атрофимиздаги, дунёдаги мураккаб вазият яққол кўрсатиб турибди.

Муҳтарам юртдошларим!

Мана шу қувончли лаҳзаларда бетакрор диёримизнинг узоқ-яқин шаҳар ва қишлоқларида янги йилни катта орзу-умидлар билан кутиб олаётган сиз, азизларни, бутун Ўзбекистон аҳлини яна бир бор чин қалбимдан қутлайман.

2006 йил барчангизга, сиз, қадрдонларимга бахт ва омад олиб келсин! Юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин!

Хонадонларимиздан файзу барака аримасин!

Янги йил барчамизга муборак бўлсин!

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

## САМИМИЙ ТАБРИКЛАР

**Янги, 2006 йил кириб келиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига қатор хорижий давлатлар ва ҳукуматлар раҳбарлари жаҳонда тинчлик ва осойишталик, халқимизга бахт-саодат ва омонлик тилаб, ўзларининг эзгу истаклари битилган самимий қутловларни йўллаганлар.**

Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиндан қуйидаги мазмунда табрик хати олинди:

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич,

Кириб келаётган Янги йил муносабати билан энг эзгу ва самимий қутловларимни қабул қилгайсиз.

Тугаб бораётган йилда Россия — Ўзбекистон ҳамкорлигини ривожлантиришда бир қатор муҳим йўналишлар бўйича катта тараққиётга эришилди. Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги Шартноманинг имзоланиши икки томонлама ҳамкорликни чуқурлаштиришнинг янги истиқболларини очиб берган том маънодаги эътиборли ҳодиса бўлди.

Ишончим комилки, аниқ мақсадга йўналтирилган изчил саъй-ҳаракатларимиз Россия ва Ўзбекистон халқлари фаровонлиги, Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорлик манфаатлари йўлидаги ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш ва кучайтиришга хизмат қилади.

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич, Сизга сиҳат-саломатлик, олиб бораётган фаолиятингизда муваффақиятлар, қариндош ва яқинларингизга бахт-саодат ва фаровонлик, Ўзбекистон халқига эса тинчлик ва равнақ тилайман.

Эҳтиром ила,

**Владимир ПУТИН,**
**Россия Федерацияси Президенти**

**Шунингдек, Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзиньтао;**
**Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Кофи Аннан ва унинг рафиқаси Нане Аннан;**
**Туркманистон Президенти Сапармурот Ниёзов;**
**Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмонов;**
**Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко;**
**Қирғизистон Республикаси Президенти Қурмонбек Бакиев;**
**Туркия Республикаси Президенти Аҳмет Неждет Сезерлардан ҳам самимий тилаклар билдирилган табрикномалар келди.**

## СЕНИ ҚУТЛАГАЙМАН

*Азиз ватандошим, шу муборак тонг*
*Меҳрингдан мунаввар ошиқ дил билан,*
*Қўшиғим касб этиб янгича оҳанг*
*Сени қутлагайман янги йил билан.*

*Умринг китобидан очилмиш бир боб,*
*Сендан мазмун кутар оппоқ саҳифа*
*Демак шахтинг баланд, шиддатинг шитоб*
*Турибсан орзулар бўсағасида.*

*Шу ёруғ орзулар парвози учун*
*Озод Ватан керак, ҳур фикр керак.*
*Токи тафаккуринг дунёни қучиб*
*Бепоён оламни сиғдирсин юрак.*

*Бу кун эркинг қўлда, нурлидир ҳаёт,*
*Ҳар неки истасанг бордир имконинг.*
*Сенга бахш айлагай қудрат ва қанот*
*Муқаддас мустақил Ўзбекистонинг.*

*Бир йилда юз йиллик камол касб айлаб*
*Шиддати лол қилиб бутун жаҳонни*
*Ватан доғда қўяр, қулай пайт пойлаб*
*Панд бермоқчи бўлган ҳар разил жонни.*

*Бу йиллар камолин ижодкори сен,*
*Бу кунинг порлоқдир, эртанг нурафшон*
*Буюк Соҳибқирон Темур вориси,*
*Сенга мерос эрур сўнмас шараф-шон.*

*Ватандош, қутлайман янги йил билан*
*Янги орзуларинг чиқсин рўёбга*
*Сени қутлагайман муқаддас Ватан*
*Абадий ҳур бўлгин ўхшаб офтобга.*

**Ҳабиб САЪДУЛЛА,**
**Ўзбекистон халқ шоири**
2005 йил 31 декабрь

## ЎзХДП: 2005 ЙИЛНИНГ ЭНГ МУҲИМ ВОҚЕАЛАРИ

• **ЯНВАРЬ.** Ўзбекистон Республикаси давлатчилиги тарихида илк бор икки палатали парламент шаклланди. Қуйи палатадаги ХДП фракцияси ўз фаолиятини бошлади.

• **14 ФЕВРАЛЬ.** Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партияси (ЎзЛиДеП), «Фидокорлар» миллий демократик партияси ва «Адолат» социал-демократик партияси парламентдаги фракцияларининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасида «Демократик блок»ка расман бирлашганликлари муносабати билан, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракциясининг Баёноти эълон қилинди.

• **26 МАРТ.** Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг II пленуми бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик органларига бўлиб ўтган сайловлардаги иштироки якунлари, Сайловолди Платформасидаги вазифаларни амалга ошириш тўғрисидаги масалалар кўриб чиқилди.

• **2 ИЮЛЬ.** Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг V қурултойи бўлиб ўтди. Унда партиянинг сўл мафкурасига асосланган янги Дастури ва Устави қабул қилинди.

• **9 ИЮЛЬ.** Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг III пленуми бўлиб ўтди. Унда партиянинг 2005-2009 йилларга мўлжалланган ҳаракатлар дастури тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Пленумда партия Марказий Кенгашининг янги таркиби шакллантирилди. Латиф Ғуломов Марказий Кенгаш раиси этиб сайланди.

• **5 ОКТЯБРЬ.** Ўзбекистон ХДП МК Ижроқўм ҳайъатининг «Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги Ўзбекистон ХДП гуруҳларининг раҳбарлари ҳамда аъзолари ўқувини ташкил этиш тўғрисида» қарори қабул қилинди.

• **12 ОКТЯБРЬ.** Ўзбекистон ХДП МК Ижроия қўмитасининг Ўзбекистон ХДПнинг «Истиқбол» ёшлар қанотини ташкил этишга бағишланган қарори қабул қилиниб, барча даражадаги партия кенгашлари ҳузурида «Истиқбол» ёшлар қанотини тузишга киришилди.

• **30 НОЯБРЬ.** Ўзбекистон ХДП МК Ижроия қўмитаси ҳайъати Қорақалпоғистон республика, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳар партия кенгашлари ҳузурида жамоатчилик қабулхоналарини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилди.

• **23 ДЕКАБРЬ.** Тошкент шаҳридаги Халқаро Бизнес марказида Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши томонидан Қорақалпоғистон республика, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман ва шаҳар партия кенгашлари раислари иштирокида семинар-кенгаш ўтказилди. Унда Президент И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишдаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар ҳамда партия ташкилотларининг ЎзХДП V қурултойи қарорларини бажаришга оид фаолияти таҳлил этилди.



**● Ватан ҳимояси — олий шараф**

## МАҲАЛЛАГА АСКАР ҚАЙТДИ

Мирзо Улуғбек тумани ҳокимлиги, мудофаа ишлари бўлими, Ўзбекистон ХДП туман кенгаши ва бошқа жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида «Олимлар» маҳалласида «Маҳаллага аскар қайтди» номли тадбир ўтказилди. Тадбирга маҳалланинг 20 нафар онахонлари таклиф этилди ва кутилмаганда... уларга ўз йигитлик бурчини ўтаб, ҳарбий хизматдан қайтган фарзандлари пешвоз чиқдилар. Қизиқарли ва қувончли учрашув байрам тантанасига уланиб кетди. Аскарларга байрам ташкилотчиларининг совғалари улашилди. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Гулруҳ Аъзамова ўз бурчини намунали ўтаган аскарларни табриклади ва эсдалик совғалари топширди.

**Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати**

***Суратларда:*** *тадбирдан лавҳалар.*

**Ярослав КОРУКА олган суратлар.**



'ZSANOATQURILISHBANK
'PLARNI TANISHADI — MUNOSIBLARNI TANLASHADI!
Тел: 120-45-01, 120-45-82, 120-45-05, факс: 133-32-40
www.uzpsb.com e-mail: info@uzpsb.com
Хизматлар лицензияланган.



O'ZBEKISTON HAVO YO'LLARI
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган



TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKOR!
Tel: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz
Хизматлар лицензияланган

## 2005 ЙИЛНИНГ ЭНГ МУҲИМ ВОҚЕАЛАРИ

● **2 АВГУСТ.** *Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги Фармони матбуотда чоп этилди. Унга кўра, 2008 йил 1 январдан мамлакатимизда ўлим жазоси тамоман бекор қилинадиган бўлди.*

● **8 АВГУСТ.** *Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида» Фармон қабул қилинди. Ушбу Фармонга асосан 2008 йилдан бошлаб қамоққа олиш билан боғлиқ санкция масаласи тергов ҳаракатларидан манфаатдор бўлмаган мустақил суд ҳокимияти ихтиёрига берилиши кўзда тутилди.*

● **2 ДЕКАБРЬ.** *Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн уч йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги қарори эълон қилинди. Сенатнинг инсонпарварлик акс этган бу ҳужжати билан эҳтиётсизлик оқибатида ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этган минглаб маҳбуслар авф этилиб, оиласи бағрига қайтмоқдалар.*

● **27 ДЕКАБРЬ.** *«Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги қонунга Президент имзо чекди. Унга асосан солиқ юки ҳамда жарималар миқдорини камайтириш юзасидан кўпгина енгилликлар яратилади.*

**● Бағрикенглик**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн уч йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги қарорига асосан янги йил арафасида сирдарёлик 209 нафар фуқаро оиласи бағрига қайтди

# ЯНГИ ЙИЛДА БИР ДАСТУРХОН АТРОФИДА

Инсон тақдири, унинг келажаги ва манфаати мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар негизини ташкил этади. Бунинг яққол исботи сифатида Олий Мажлис Сенати томонидан «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн уч йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида» эълон қилинган Қарорни кўрсатиш мумкин.

Жиноий жавобгарликдан озод бўлиш — бу, жиноят содир этган шахс учун тўғри ҳаётга қайтиш, ҳалол яшаш, жамият, қолаверса, оилада ўз ўрнини топишга яна бир имконият деганидир. Шунингдек, адашиб ёки эҳтиётсизлик оқибатида жиноят содир қилиб қўйганлар бўлади. Қилмишидан чин дилдан пушаймон бундай кишиларга афв ўзини кўрсатишга, оиласи бағрига қайтиб, фойдали юмуш билан шуғулланишга шароит яратади.

Ушбу амнистия акти шу қадар инсонпарвар руҳ билан суғорилганки, ҳатто белгиланган тартибда судланганлиги тугалланган ёки олиб ташланган, шунингдек, амалдаги жиноят қонунчилиги билан эндиликда жиноят ҳисобланмайдиган қилмишлари учун илгари судланган шахсларга ҳам ушбу ҳужжат татбиқ этилади.

Бундан ташқари, амнистия қарорини қўллашда муқаддам эҳтиётсизлик орқасида содир этган жиноятлар, шунингдек, қасддан содир этган жиноятлари учун озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазони ўтаб чиққан шахсларнинг судланганлиги ҳам ҳисобга олинмайдиган бўлди.

Қарорга мувофиқ мазкур қарор кучга киргунга қадар бир йилдан ошмаган муддат ичида қонунда белгиланган тартибда жазони ўташга тўсқинлик қиладиган оғир касалликка чалинган ёки биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари, деб топилган маҳкумлар (жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларда қасддан одам ўлдириш жинояти содир этганлар бундан мустасно) жазони ўташдан озод қилинади.

Қарор ижросини ташкил этишда асосий эътибор афв этиш акти қўлланиши мумкин бўлган шахсларни яна ижтимоий фаол ҳаётга қайтариш ишига қаратилиши керак. Зотан, бундай шахсларга мавжуд шарт-шароит яратиб берилмас экан, улар ўзини ноқулай сезиши, баъзи бирлари яна жиноят оламига қайта қўл уришлари мумкин. Бу эса фуқароларимиз тинчлиги, жамиятимиз барқарорлигига раҳна солувчи омиллардан биридир.

Шу ҳолатларни инобатга олиб вилоят, шаҳар ва туман прокуратуралари ҳамкорликда қарор тасарруфига кирувчи шахсларнинг ота-оналари, қариндошлари, ёр-биродарлари билан маҳалла оқсоқоллари иштирокида учрашувлар, суҳбатлар ташкил этмоқда. Уларга қарорнинг моҳият ва мазмуни тушунтирилаяпти. Албатта, амнистия акти хатони тўғрилашга имконият бериш, айбни кечириш ҳамда инсонни жонажон оиласи бағрига қайтариш каби халқимизга хос хусусиятларни ўзида мужассам этгани билан қадрлидир.

**Турғунбой САГАТОВ,**
**Сирдарё вилоят прокурори ўринбосари, адлия катта маслаҳатчиси**

**● Спорт**

# ОКСАНАНИНГ РЕКОРДИ



1992 йил Барселонада ўтган ёзги Олимпия ўйинлари ғолиби, қитъа ва жаҳон чемпиони Оксана Чусовитина спорт гимнастикаси бўйича яқинда Австралиянинг Мельбурн шаҳрида уюштирилган жаҳон чемпионатида барчани лол қолдирди.

Маълумки, бадиий ва спорт гимнастикасида юксак маҳорат билан бирга спортчининг ёши ҳам муҳим роль ўйнайди. Аммо 30 ёшда ҳали ҳеч ким Оксаначалик натижага эриша олмаган. Шунинг учун ташкилотчилар навбатдаги жаҳон чемпионатида ҳам маҳоратини намойиш этган Оксана Чусовитинани спорт гимнастикаси тарихидаги энг ёркин юлдузлардан бири сифатида тан олди.

Аёллар ўртасидаги баҳсларда ҳамюртимиз шоҳсупанинг иккинчи поғонасига кўтарилди — 9,418. Чусовитина жаҳон чемпионатида ҳар доимгидек ўзининг севимли — таяниб сакраш машқида фақатгина хитойлик Фей Чэндан ортда қолди. Оксананинг ҳаракатлари кумуш медалга лойиқ, деб топилди.

# ТААССУРОТЛАР, ТИЛАКЛАР

— Ўтган йил ҳаётингизда қандай из қолдирди? Янги йил тилаклари ва режаларингиз...

**Абдулла ТАНГРИЕВ, дзюдо бўйича (+100 кг.) Осиё чемпиони, Бутунжаҳон универсиадаси ғолиби, кураш бўйича мутлақ жаҳон чемпиони:**



— Ниҳоясига етган йил ҳеч бир муболағасиз катта кураш байрамлари йили бўлганлиги билан ишқибозлар ёдида қолди. Жумладан, бугун мен ҳам бир қатор нуфузли мусобақаларда зафар қучиб, мухлисларга қувонч улашганлигимдан мамнунман. Аввалига май ойида Тошкентда дзюдо бўйича уюштирилган Осиё чемпионатида ўз вазн тоифамда олтин медалга сазовор бўлдим. Ноябрь ойида эса пойтахтимизда кураш бўйича ўтказилган V жаҳон чемпионатида дастлаб +100 кг., сўнгра мутлақ вазн тоифаларида барча рақибларимни енгиб, қўшалоқ ғалабага эришдим. Қисқа қилиб айтганда, ўтган йил ҳаётимда ўчмас из қолдирди.

Янги йилдан эса умидим катта. Аввало 2006 йилда барча юртдошларимизга сиҳат-саломатлик, хонадонларига тинчлик-хотиржамлик тилайман. Бу йил биз спортчиларни янада муҳим беллашувлар кутиб турибди.Шулардан бири декабрь ойида Доха(Қатар)да бўладиган навбатдаги Осиё ўйинларидир. 2008 йили Пекинда уюштириладиган ёзги Олимпия ўйинлари олдидан муҳим синов вазифасини ўтайдиган мазкур мусобақада ҳам фақат олтин медални кўзлаб гиламга чиқаман.

## 2005 ЙИЛНИНГ ЭНГ МУҲИМ ВОҚЕАЛАРИ

● **12-13 МАРТ.** *Тошкентдаги «Ўзбекистон» спорт мажмуида эркин кураш бўйича Жаҳон кубоги беллашувлари ўтказилди. Нуфузи жиҳатидан Олимпия ўйинлари, жаҳон чемпионати баҳсларидан кейин турувчи ушбу мусобақада Украина, Россия, АҚШ, Куба, Эрон ва Ўзбекистон курашчилари гиламга чиқдилар.*

● **23-24 АПРЕЛЬ.** *Термизда кураш бўйича Ўзбекистон Президенти соврини учун Ал-Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган VII халқаро турнир ҳамда фахрийлар ўртасида I жаҳон чемпионати бўлиб ўтди.*

● **14-15 МАЙ.** *Тошкентдаги «Ўзбекистон» спорт мажмуида дзюдо бўйича Осиё чемпионати бўлиб ўтди. Қитъамизнинг йигирма етти мамлакати дзюдочилари иштирок этган ушбу нуфузли мусобақада иқтидорли полвон Абдулла Тангриев (+100 кг.) олтин медаль соҳиби бўлди.*

● **25-29 МАЙ.** *Чирчиқ шаҳрида ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими ўқувчиларининг анъанавий «Баркамол авлод» республика спорт ўйинлари финал босқичи бўлиб ўтди.*

● **3-7 НОЯБРЬ.** *Юртимизда бадиий гимнастика бўйича «Шарқ гўзали-2005» Жаҳон кубоги уюштирилди. Бу мусобақада дунё бадиий гимнастика таснифида етакчи поғоналарни эгаллаган Россия, Белоруссия, Исроил, Озарбайжон сингари давлатлар спортчилари билан бир қаторда Қозоғистон, Қирғизистон, Ўзбекистон вакиллари ҳам ўз маҳоратларини намойиш қилдилар.*

● **26-27 НОЯБРЬ.** *Пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуида кураш бўйича V жаҳон чемпионати ўтказилди. Ушбу катта спорт байрамида дунёнинг элликдан ортиқ давлатидан энг сара полвонлар ғолиблик учун гиламга чиқди.*

*Чемпионат якунида +100 кг. ва мутлақ вазн тоифаларида жаҳон чемпионлигига сазовор бўлган Абдулла Тангриевга Ўзбекистон Президентининг махсус совғаси топширилди.*

## «AIRBUS» ВА «BOEING» ЙИЛ ЯКУНЛАРИДАН МАМНУН

Фуқаро авиацияси учун самолёт ишлаб чиқарувчи икки энг кучли рақобатчилар «Airbus» ва «Boeing» йилни муваффақиятлар билан якунламоқда.

Ўтаётган йилда Арабистон ва Осиё компаниялари энг кўп, яъни 1622 та самолётга буюртма берди. Бундан олдин энг кўп самолёт учун буюртма 1989 йилдагина тушган эди. Ўшандан бери бу соҳада бироз сусайиш кузатилганди. Бироқ шу йили авиасозлар иши кескин жонланди.

Европанинг «Airbus» концерни шу йили буртмачиларга 370 самолёт етказиб берган бўлса, «Boeing»да бу кўрсаткич 290тага етди. Бироқ Американинг «Boeing»ида келажакка ишонч катта. Ҳисоб-китобларга қараганда, «Boeing» самолётларига 870 та буюртма тушган бўлса, «Airbus»дан 752 самолётни етказиб беришни сўрашган.

2001 йил 11 сентябрда содир этилган террорчилик актлари авиация соҳасидаги узоқ муддатли турғунликка олиб келди. Ўн ой олдингина йўловчилар ташиш 7,9 га ошгани кузатилмоқда. Бундан ташқари дунё бозорида нефть нархининг ошиб бориши ёнилғини иқтисод қилувчи моделларга бўлган эҳтиёжни оширди.

XORIJDA

## 2006 ЙИЛ БИР СОНИЯГА КЕЧИКАДИ



2006 йил одатдагидан кўра бир сония кечикиб келади. Олимларнинг маълум қилишича, етти йилдан бери биринчи бор янги йил кириб келиши яна 1 сонияга кечикадиган бўлди.

Қўшимча сония қўшилиши Ернинг бир маромда айланмаслиги билан боғлиқ экан. Ойнинг тортиш кучи туфайли Ер ўз ўқи атрофида 0,015 сонияга кечикиб айланади. Ойдан ташқари сайёрамиз айланишига атмосферадаги бошқа жараёнлар ҳам таъсир қиларкан.

Маълумотларга кўра, биринчи «кабиса сония» 1972 йилда қўшилган эди. Вақтдаги бундай тафовутлар ҳақида XIX асрда маълум бўлганига қарамай, олимлар 1949 йилда атом соатлари яратилгандан кейингина ер ва фазо вақтлари орасидаги тафовутни аниқ ҳисоблаб чиқишга муваффақ бўлишди.

## БЕКХЭМНИНГ БУТСИСИ МИЛЛИОНГА ПУЛЛАНДИ

Норвегиялик тадбиркор, миллиардер Идар Воллвик машҳур футболчи Дэвид Бекхэмнинг бир жуфт бутсисини бир миллион крон (85,6 минг фунт стерлинг)га сотиб олди. Бу билан у Покистонда юз берган кучли ер қимирлашидан талафот кўрганларга ёрдам кўрсатиш ниятида. Миллиардер «Norske Kyinners Sanitetsforening» ташкилотидан сотиб олган кумуш бутсилар ҳисобидан табиий офат туфайли қийин аҳволда қолганларга чодирлар сотиб олинишига кўмаклашмоқчи.

Эслатамиз, Покистон ва шимолий Ҳиндистон ҳудудида 8 октябрь куни юз берган ер силкиниши оқибатида 74 мингдан кўпроқ киши нобуд бўлиб, миллионлаб одамлар бош панасиз қолган.

«ШЎРЧИ ДОН МАҲСУЛОТЛАРИ»
очиқ акциядорлик жамияти жамоаси
серқуёш Ўзбекистон халқини
Янги – 2006 йил
билан самимий муборакбод этади.
Азиз ватандошлар!
«Сиҳат-саломатлик йили»да мамлакатимиз
ғаллачилигида улкан зафарлар қўлга киритилди.
Демак, дастурхон тўкин бўлди.
Янги – «Ҳомийлар ва шифокорлар йили»
эса бундан-да баракали келсин.



Халқимиз соғ-саломат бўлсин,
юртимизда тинчлик доим ҳукм сурсин.

## «ЯХШИ НИЯТ» ТЕЛЕВИЗИОН УЙ-ЖОЙ ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИ 147-ТИРАЖИДА ЮТГАН ЧИПТАЛАР РАҚАМЛАРИ ҚИСҚА ЖАДВАЛИ

**Чипталар, жадвал охиридан бошлаб, халтадан чиқмаган рақамлар бўйича текширилади. Ана шундай рақамдан биронтасининг чиптада мавжудлиги уни ютуқсизга айлантиради. Агар халтадан чиқмаган барча рақамлар чиптада мавжуд бўлса, унда ушбу чипта қўшимча турда ютуқли ҳисобланади. Сўнгра чипта сериясининг 1, 2, 3, 4 ва 5-турларда тўғри келиши текширилади. 6-турдан бошлаб мазкур турдаги рақамнинг чиптадаги мавжудлиги текширилади.**

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **1 ТУР** | 34 | 32 | 20042507.3 | Сони: 14 | Сони: 14 | Сумма: 500 |
| 33 | 29 | 28 | 70026116.3 | Телевизор | Телевизор | **19 ТУР** |
| 83 | 69 | 22 | **8 ТУР** | Сумма: 180000 | Сумма: 180000 | 81 |
| 6 | 12 | 65 | 50 | Чипталар | Чипталар | Сони: 822 |
| 64 | 38 | 25 | Сони: 1 | рақами | рақами | Сумма: 500 |
| 31 | 48 | 17 | Телевизор | 20016159.3 | 10111301.3 | **20 ТУР** |
| 43 | 41 | 55 | Сумма: 180000 | 20065175.2 | 20044813.3 | 75 |
| Сони: 2 | 5 | 1 | Чипта рақами | 20118043.3 | 30018449.1 | Сони: 1391 |
| Телевизор | 49 | Сони: 1 | 60135321.3 | 40103807.1 | 40003988.1 | Сумма: 500 |
| Сумма: 180000 | 66 | Nexia автомобили | **9 ТУР** | 40121587.1 | 40129051.2 | **21 ТУР** |
| Чипталар | 53 | Сумма: | 89 | 50115249.3 | 40139981.2 | 87 |
| рақами | 60 | 10500000 | Сони: 8 | 60033745.3 | 50068560.3 | Сони: 2021 |
| 40067578.1 | 57 | Чипта рақами | Телевизор | 60036229.2 | 60019788.2 | Сумма: 500 |
| 60071206.3 | Сони: 1 | 70140835.3 | Сумма: 180000 | 70136307.1 | 70032429.2 | **22 ТУР** |
| **2 ТУР** | Nexia автомобили | **5 ТУР** | Чипталар | 80015375.3 | 70036086.1 | 82 |
| 9 | Сумма: | 27 | рақами | 80136436.3 | 70155938.1 | Сони: 2779 |
| 40 | 10500000 | 79 | 10111150.1 | 90039196.3 | 80065321.3 | Сумма: 500 |
| 45 | Чипта рақами | Сони: 1 | 20053092.2 | 90047793.3 | 80066129.2 | **23 ТУР** |
| 86 | 80153497.1 | Телевизор | 40033664.1 | 90145101.3 | 90060171.2 | 26 |
| 15 | **4 ТУР** | Сумма: 180000 | 60010588.3 | **12 ТУР** | **14 ТУР** | Сони: 4167 |
| 23 | 90 | Чипта рақами | 60012382.2 | 35 | 77 | Сумма: 500 |
| 56 | 7 | 80159058.2 | 70030348.2 | Сони: 11 | Сони: 26 | **24 ТУР** |
| 76 | 47 | **6 ТУР** | 90090454.3 | Телевизор | Сумма: 2000 | 16 |
| 2 | 63 | 73 | 90099827.1 | Сумма: 180000 | **15 ТУР** | Сони: 6375 |
| 11 | 39 | 13 | **10 ТУР** | Чипталар рақами | 88 | Сумма: 500 |
| 18 | 54 | 8 | 62 | 10090338.2 | Сони: 130 | **Қўшимча** |
| 10 | 61 | Сони: 1 | Сони: 6 | 20033247.1 | Сумма: 1500 | **тур** |
| 51 | 3 | Телевизор | Телевизор | 30041859.3 | **16 ТУР** | Сони: 227 |
| 78 | 24 | Сумма: 180000 | Сумма: 180000 | 30092528.3 | 84 | Сумма: 1500 |
| 52 | 44 | Чипта рақами | Чипталар рақами | 40110658.2 | Сони: 230 | **Халтадан** |
| 21 | 59 | 20153474.1 | 20031482.1 | 50046012.1 | Сумма: 1000 | **чиқмаган** |
| Сони: 2 | 72 | **7 ТУР** | 20121077.1 | 50071100.3 | **17 ТУР** | **шарлар:** |
| Музлатгич | 71 | 36 | 40086165.1 | 50146429.3 | 85 | **1,** |
| Сумма: 300000 | 19 | 80 | 60016839.1 | 60146588.2 | Сони: 352 | **30,** |
| Чипталар рақами | 4 | Сони: 2 | 70052581.1 | 90054850.2 | Сумма: 500 | **42,** |
| 30065350.2 | 46 | Телевизор | 70099650.2 | 90132125.3 | **18 ТУР** | **67,** |
| 80086432.2 | 68 | Сумма: 180000 | **11 ТУР** | **13 ТУР** | 20 | **70,** |
| **3 ТУР** | 58 | Чипталар рақами | 14 | 37 | Сони: 431 | **74** |

"Яхши Ният" телевизион уй-жой пул-буюм лотереясининг 2006 йил 12 январдаги 148- тиражида ўйналадиган супер ютуқлар:



1 -турда биттадан Телевизор
2 -турда Музлатгич
3 -турда 500000 сум
4 -турда биттадан NEXIA автомобили
Қолган турларда пул-буюм ютуқлари қўйилган

"ЯХШИ НИЯТ" телелотереяси чипталарини газета дўконларидан ва чипта тарқатувчилардан олиш мумкин.

Ютуқлар ҳар чоршанба соат 14.00 дан кейин ютуқли чипта кўрсатилган заҳоти "Лаура" ХФсида берилади. Манзил: Тошкент шаҳри, Шевченко кўчаси, 8 уй. Мўлжал: "Украинка" дўкони.Тел: 8(3712) 56-25-54, 56-26-60.

Пул ютуқлари Миробод тумани "Лаура" ХФсида ва чипта тарқатувчилар томонидан берилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2003 йил 22 декабрдаги 16-сонли лицензияси.

